

Язид ибн Муовиянинг халифалиги



14:13 / 27.04.2025 1421

(халифалик даври: ҳижрий 60-64 милодий 680-683)

Тўлиқ исми: Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён. Муовия ибн Абу Суфённинг бу эрка фарзанди ёшлигидан роҳат-фароғатда ўсди. Овга, ўйин-кулгига қизиқиши катта эди. Аввал айтилганидек, халифалик унга отасининг амри билан ўтди. Муовия ибн Абу Суфён тириклик пайтида ҳамма Язид ибн Муовияга байъат қилди. Мадинаи мунавварада бир қанча одамлар унга байъат қилишдан бош тортганда, Язид уларни ҳам байъат қилишга мажбурлашга уриниб кўрди.

Шундан кейин Ибн Умар, Ибн Абу Бакр, Ибн Аббослар байъат қилдилар. Аммо халифаликдан умидвор бўлиб юрган имом Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо байъат қилмай, Маккага кетиб қолишди.

Язид ибн Муовия давридаги фатҳлар

Бу даврда фақат Африкадагина баъзи бир фатҳлар бўлди. Бошқа тарафларда ички фитналар ва бошқа ҳодисалар сабабли фатҳ ишлари тўхтаб қолди. Африкада Уқба ибн Нофеъ ўзининг фатҳларини ғарб томон кенгайтириб борди. У Мағриб юртарининг барчасини фатҳ қилиб, Атлантика океанигача етиб борди. Ривоят қилинишича, Уқба ибн Нофеъ мазкур океан соҳилидаги бир тепалик устига чиқиб: «Роббим, агар ушбу денгиз бўлмаганида, Сенинг йўлингда жиҳодни давом эттирар эдим, агар ундан кейин яна ер келишини ва у ерда ҳам одамлар борлигини билсам, шу денгизга шўнғирдим», деган экан.

«Ислон тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.